

## МУСИҚИЙ САҲНАВИЙ АСАРЛАРНИНГ ИЖРОЧИЛИК МУАММОЛАРИ (ЎЗБЕКИСТОН КОМПОЗИТОРЛАРИ ИЖОДИ МИСОЛИДА)

**Хожимамаатов Азимжон Файзулло ўғли**

Фарғона давлат университети Санъатшунослик факультети Мусиқий таълим маданият  
кафедраси ўқитувчиси

**Икромова Фарангис Йигитали қизи**

Фарғона давлат университети Санъатшунослик факультети Мусиқий таълим йўналиш 3-  
босқич талабаси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6895648>

*Аннотация.* Ушбу мақолада Ўзбекистон композиторлари ижодидаги мусиқий саҳна асарларининг айна даврдаги ижрочилик муаммолари ҳусусида муаммолар келтиради. Айна даврда юзага келаётган ижрочилик амалиётидаги камчиликлар юзасидан фикр мулоҳазалар ва уларнинг ечимлари тўғрисида фикр юритилади.

*Калит сўзлар:* маънавий-мусиқий мерос, халқ мусиқаси, мусиқий тил, композиторлик ижодиёти, мусиқий оригинал асар, мусиқий қатлам, композиторлик мактаби.

## ПРОБЛЕМЫ ИСПОЛНЕНИЯ МУЗЫКАЛЬНЫХ СЦЕНИЧЕСКИХ ПРОИЗВЕДЕНИЙ (НА ПРИМЕРЕ ТВОРЧЕСТВА УЗБЕКСКИХ КОМПОЗИТОРОВ)

*Аннотация.* В данной статье представлены проблемы исполнения музыкальных сценических произведений, созданных узбекскими композиторами. В то же время приводится мнение о недостатках исполнительской практики и путях их решения.

*Ключевые слова:* духовно-музыкальное наследие, народная музыка, музыкальный язык, композиторское творчество, музыкальное самобытное произведение, музыкальный пласт, композиторская школа.

## PROBLEMS OF PERFORMING MUSICAL STAGE WORKS (ON THE EXAMPLE OF THE OEUVRE OF UZBEK COMPOSERS)

*Abstract.* This article presents the problems of performing musical stage works created by Uzbek composers. At the same time, an opinion is given on the shortcomings of executive practice and ways to solve them.

*Keywords:* spiritual and musical heritage, folk music, musical language, composer creativity, original musical work, musical layer, composer school.

## КИРИШ

Ўзбекистон композиторлик ижодиёти кўп йиллик шонли тарихга эга эканлиги барчамизга таниш. Ушбу бебаҳо ижодиёт улкан маънавий-мусиқий меросни ташкил этади. XX асрда композиторлик санъатининг бастакорлик санъати таъсири остида ҳамда Ғарбий Европадаги мавжуд мусиқий жараёнлар ушбу янги санъат турини қарор топишига олиб келди десак, муболаға бўлмайди. Мазкур қатлам жаҳон мусиқа андозалари асосида ижод қила бошлади. Дастлаб, халқ мусиқаси намуналарини қайта ишлаш, уларни кўп овозли мусиқий шаклларга солиш, халқ мусиқаси намуналари асосида асарлар яратиш тажрибалари амалга оширилди. Кейинчалик ижодкорлар миллийлик акс этган бир-бирдан мусиқий тили ва ифода воситари билан ажралиб турадиган ранг-баранг мусиқий оригинал асарлар устида тинмай изланишлар олиб бордилар. Б.Надеждин,

Б.Зейдман, А.Козловский, Г.Мушель, Б.Гиенко ўзбек композиторлик мактаби намоёндаларини ҳам тарбияладилар.Ф.Янов-Яновский, Р.Вильданов, М.Тожиев, Т.Курбонов сингари ижодкорларнинг кейинги авлоди композиторлик ижодиётининг мураккаб ва жиддий жанрларидан ҳисобланган симфоник мусиқа, театр, кино мусиқа бўйича баракали ижод этган бўлиб, унинг ривожига салмоқли улуш қўшдилар.

### **ТАДҚИҚОТ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ**

Шу аснода мана шу даврда композиторлик ижодиётининг барча жанрлари ўзининг етук даврини бошлади. Болалар мусиқа (Н.Норхўжаев, А.Мансуров, Д.Омонуллаева), халқ чолғулари учун мусиқа (Х.Раҳимов, М.Бафоев, Ф.Алимов), чолғу концерти (Р.Абдуллаев, А.Варелас) каби жанрлар бирдек муваффақият қозонди.

XXI асрда етишиб чиққан ўрта авлод ижодкорлари (А.Хошимов, Х.Ҳасанова, А.Ҳасанов, О.Абдуллаева, Д.Камилова, Ж.Шукуров) ҳам ўзбек мусиқасида замонвий мусиқа ифода воситаларининг ишлатилиши борасида ижодий изланишлар олиб борилиб, ўзбек мусиқаси равнақига ҳисса қўшаётганларини алоҳида эътироф этиш жоиз.

Умуман олганда, композиторнинг ижодий асарлари бир томондан мукаффақият қозонишига албатта ижрочиларнинг ўрни албатта муҳим. Чунки, бадиий мукамал, ўзида замонвий ифода воситаларни маҳорат даражасида мужассам этган миллий қиёфа тамойилларига асосланган оригинал асарларнинг шуҳрат қозонишига бевосида ижро мукаммалиги ва сифати беқиёс аҳамият касб этади. Бу ўз навбатида композитор шахсиятини кишилар ўртасида ижобий таассурот қолдиришига ҳамда машҳурлик даражасини маълум бир поғона кўтаришига аксинча йиллар давомида мисқоллаб тўплаган обрў-эътиборига таъсир кўрсатмай қолмайди. Ўз ўрнида тингловчилар оммасига тақдим этилаётган асарлар нақадар мураккаб замонвий ифода воиталари ва композиторлик техникаларига оид бўлган ижро имкониятларидан фойдаланган образлилик қонуниятларига тугал равишда ёзилган асар бўлсада лекин ижро сифатида айрим нуқсонлар ёки камчиликлар тингловчиларда ижодкорга нисбатан салбий фикр қолдириши мумкин.

### **ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ**

Бу ҳолат композиторнинг ижодий лаёқатини ҳамда умрини маълум бир маънода қисқаришига олиб келади. Аксинча, ҳавола этилаётган асарнинг ижрочилар томонидан мукамал ижро қилинганлиги эса ижодкорни ижод қилишига янгидан-янги мусиқий оригинал асарлар яратишига олиб келади.

Ёш композитор сифатида шуни айтишим мумкинки, композитор ижодий чиллаҳонасида яратилган асарлар ўз-ўзидан яратилиб қолмайди. Мусиқа санъатидаги мавжуд товушқаторлари етти нотани ёзиб қўйиш ҳаммани ҳам қўлидан келади. Лекин, ўзида ижод давомида не азоб-уқубларни, дард-у ситамларни сабот билан енган ҳолда ҳамда ижодий жараёнда юзага келадиган муаммоларни ўрнида бартараф этган ҳолда ўй-хаёллар, фикрлар оғушида узоқ вақт давомида бош қотирилган яратилган асар ижрочи томонидан билдирилган ижро муносабатини ҳозирги даврга келиб ижобий баҳолаб бўлмайди.

Барчамизга маълумки, юртимизда айни даврда фаолият олиб бораётган опера ва балет театрлари ҳамда мусиқали театрларнинг ойлик репертуарига назар ташлайдиган

бўлсак, аксарияти жаҳон муסיқа санъатида ўзининг бебаҳо асарлари билан ҳисса кўшган ижодкорларни яъниким, композиторлар асарларни кўришимиз мумкин. Воҳоланки, ўзбек композиторларимизни асарлари ҳар қайси театрларда ҳам концерт залларида мунтазам ижро этилавермайди. Айниқса, Алишер Навоий номидаги опера ва балет театрининг ижро репертуари кўпинча барчамизга яхши таниш бўлган асарлар киритилган. Бу яхши ҳолат албатта. Лекин, ижро репертуарини янгилаб бориш ва ҳозирги даврда ижод соҳасида тинмай меҳнат қилиб келаётган устоз композиторларимиз ва уларнинг композиторлик мактабида таълим ва тарбия кўраётган ёш истеъдод соҳибларининг асарларини намойиш қилиш фурсати келмадими?

### МУҲОКАМА

Халқимиз муסיқа ва санъатни кадрлашини, миллий муסיқамизни бутун вужуди билан ҳурмат билан муносабатда бўлиши бизни шубҳасиз қувонтириши табиий. Аммо, ижрочиларнинг миллий анъаналаримиз руҳида ёзилган асарларга муносабати талаб даражасида эмаслиги бизни бироз бўлсада, таажжубга солиб қўйди. Буни театр ва концерт залларида жаранг сочаётган муסיқий асарларни томоша қилиш мақсадида кираётган томашабинлар ҳам фикримизни тасдиқлайди. Юқоридаги билдирилган фикр ва мулоҳазалардан келиб чиққан ҳолда айни даврда ижод соҳаси вакилларининг муסיқий сахна асарларининг ижрочилик муаммолари ҳусусида бироз тўхталмоқчимиз. Бинобарин, композиторлик ижодиётининг муҳим тармоқларидан ҳисобланган опера ва мусиқали драма жанри буйича оладиган бўлсак, биргина Ўзбекистон санъат арбоби, ASCAP (Америка композиторлари ва ноширлари асоциацияси) аъзоси, композитор, дирижёр, педагог Мустафо Бафоев асримизнинг отахон композиторларимиз ичида серунум ижод қилиб келаётган ижодкорларидан бири сифатида эътироф этилади. Ижодкорнинг XXI асрда яратган мураккаб жанрлардан бири ҳисобланган опера соҳаси буйича қатор муסיқий асарлар яратди. Алишер Навоий асари асосида “Хамса” (С.Олимов либреттоси, 2017), Садриддин Айний номидаги Тожикистон академик опера ва балет театри учун “Шайхурраис Абу Али Ибн Сино” (К.Олимов либреттоси, 2011), “Борбад” (Н.Қосим либреттоси, 2014) операларини алоҳида эътиборга молик. Ушбу асарларни тинглаган ҳар қайси ижодкор ёки тингловчи композиторнинг ижодкорлик маҳоратига тасанно айтмасдан қолмайди. Чунки, ушбу асарлар қалбнинг майин торлари ила куйга кўчган фалсафий асарлар саналади.

Забардаст ижодкор, давримизнинг муסיқамиз билимдонларидан бири ҳисобланган ўзининг муסיқий асарлари билан тингловчиларнинг қалбидан муносиб ўрин эгаллаган юксак истеъдод соҳибига Мустафо Бафоевнинг “Хамса” 3 операси ижрочиллик муаммоларига назар ташлайдиган бўлсак, театр чолғучиларининг ёки ижрочиларининг ижроси чинакам муҳлисни кўнглига хузур бермаслиги мумкин. Айниқса, сахна марказида ижро этилаётган ариялар ва речитативлардаги ижро камчиликларини ўрнида бартараф этиш лозим. Ижрочиларнинг мазкур асар мазмунидан боҳабар бўлиши лозимлиги ҳамда асар драматургияси нуқтаи назаридан келиб чиқиб, ўз навбатида миллий академик ижрога эришиш даркор. Симфоник оркестр чолғу созларининг ижросини ҳам ижобий баҳолаб бўлмайди.

Муסיқий партитурада баён этилган образларнинг муסיқий лейтмотивмавузулари ижодкор назари билан ифодаланса мақсадга мувофиқ бўлади. Оркестр чолғуларининг ижро сифатини яхшилаш ва ансамбль тарзда бир-бутун ижро қилиш керак. Сахна

давомида янграётган ария ва речитативларнинг мусиқий қатлами ҳам аниқ равишда тугал садоланиши ҳамда сахна ижрочиларидан талаб этилаётган муҳим талаблардан бири образ қонуниятларини ва академик миллий ижрони ўз ўрнида мукамал ижро қилиш фойдали бўлади. Бунинг учун миллий мусиқа санъатимизда ўзининг соҳир овозлари билан бутун дунёга ўзбек опера санъатини юксакларга кўтарган Мухиддин Қори Ёқубов, Халимахоним Носирова, Карим Зокиров, Саттор Ярашев, Саодат Қобулова сингари ижрочилар қўллаган ижрочилик мактаби асосларига тайянган ҳолда олиб бориш, улар ижросида ёзиб олаётган грампластинка ёзувлари, магнит ленталарини эшитиб кўриш ва ҳар томонлама қиёсий таҳлил этиш айна даврда ижрочилик соҳасида юзага келаётган муаммоларга оз бўлсада ёрдам бериши мумкин. М.Бафоевнинг ижодий қаламига мансуб “Хамса” операси ижодкорнинг сўнгги йилларда яратган шох асарларидан бири.

### ХУЛОСА

Дарҳақиқат, биз айнан опера жанри бўйича ижрочилик муаммоларинафақат ушбу соҳада балки бошқа мусиқий жанрлар ижрочилик амлиётида юзага келаётган ҳолатдир. Масалан, мусиқали драма театрларда намоиш этилаётган мусиқий сахна асарлари киши руҳиятига ижобий таъсир этишига бир томондан ижро сифати муҳим аҳамиятга эга. Инсон қалбига йўл топишнинг энг осон йўлларида бири сифатида мусиқани киритишимиз мумкин.

Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, мусиқа инсонни манъавий-эстетик жиҳатдан тарбиялаб, ҳаётга бўлган қизиқишини ортишига хизмат қилади. Республикамиз театрларининг аксариятида намоиш этилаётган мусиқий сахна асарларининг ижро сифати талаб даражасида эмаслиги бизни бу борада бироз мушоҳада қилишга ундаши табиий. Мусиқали театрлардаги мавжуд муаммолардан бири бу – ижрочи ва оркестр чолғучиларининг ижроси тингловчиталабларига жавоб бермаслиги ҳамда мусиқий техник воситалари яъни овоз кучайтирувчи ва пастлатувчи асбобларни талаб даражасида эмаслиги бироз таажжубга солади. Мусиқали театр хонандаси томонидан ижро этилаётган ария ёки қўшиқнинг тингловчиларга паст овозда етиб келиши ва интонация сифати қониқарли эмаслигимазкур жанрда яратилган асарнинг ижросининг бузилиши, овоз ва оркестр ижросининг номуносивблиги ҳоллари ҳам айна кунларда аҳён-аҳёнда кузатилмоқда. Мазкур ҳолатда биринчи навбатда диққат эътиборни дирижёрга қаратиш ҳамда унинг йиллар давомида эгаллаган ижодий тажрибаси муҳим аҳамиятга эга. Ўз ўрнида мавжуд камчиликларни йўқотиш чоралариш кўриш ва чолғучилар билан соғлом муносабатни таъминлаши муҳимдир. Чунки, мусиқий сахнавий асар давомида чолғу ижрочилар ўртасида яхлитлик тизимини албатта дирижёр бажаради. Агар асарда дирижёр композитор томонидан кўрсатилган мусиқий ифода воситалари, маълум чолғу созларининг ижро этиши кетма-кетлик асосида ўз ўрнида ижрочиларга кўрсатилмаса, асарнинг ижросига салбий таъсир кўрсатади. Бу борада театр арбоблари ва театршуносларнинг қимматли маслаҳатларига таянган ҳолда улар билдирган маслаҳатлари бу муаммоларни ҳал қилишга ёрдам бериши мумкин. Юқоридаги таъкидлаб ўтилган камчиликларни айна даврда бартараф этмасак, қатор муаммолар юзага келишига олиб келишига замин яратади. Ижрочилик муаммолари ҳар қайси соҳада бўлмасин ўз долзарблигини ва аҳамиятини йўқотмайди.

## REFERENCES

1. А.Умаров, М.Бекмуродов. Маданият ва санъат атамаларининг изоҳли луғати. Тошкент: 2017
2. Ўзбекистон композиторлик ижодиёти масалалари. (Илмий-амалий анжуман маърузалар тўплами). Тошкент:.. 2018.
3. А.Жабборов. Ўзбекистон композиторлари ва бастакорлари. (Маълумотнома). Тўлдирилган 2-қайта нашри. Тошкент:..2018.
4. Р.Абдуллаев. Опера драматургияси. (Ўқув кўлланма). Тошкент:..2007.
5. Achildiyeva M, Ikromova F (2021) TANBUR ONE OF ANCIENT INSTRUMENTS GALAXY INTERNATIONAL INTERDISCIPLINARY RESEARCH JOURNAL (GIIRJ) 9(6) 302-308
6. Achildiyeva M, Ikromova F(2022) CHOIR ART IN UZBEKISTAN BOTIR UMIDJONOV (EURASIAN JOURNAL OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES 7 54-56
7. Ikromova F (2022): O‘ZBEK OPERA SAN’ATI MUHTOR ASHRAFIY TIMSOLIDA INTERNATIONAL SCIENTIFIC AND PRACTICAL CONFERENCE "YOUTH, SCIENCE, EDUCATION: TOPICAL ISSUES, ACHIEVEMENTS AND INNOVATIONS " Vol. 1 No. 2 110-115
8. Ikromova F (2022): THE EMERGENCE OF THE SCHOOL OF COMPOSITION IN UZBEKISTAN.(On example of educational activities of the composer B.B.Nadejdin) Publishedby International journal of Social Sciences Vol.11,No.07.July 127-129
9. Khojimamatov A, Ikromova F (2022): A Look at the Polyphony and Theoretical Heritage of S.I.Taneev Eurasian Journal of Humanities and Social Sciences (Brussel,
10. Ikromova F (2022): DRAWINGS ON THE LIFE PATH OF THE BRILLIANT COMPOSER SULEYMAN YUDAKOV IN THE HISTORY OF UZBEK MUSIC OF THE 20<sup>TH</sup> CENTURY... Vol. 1 No. 2 (2022): INTERNATIONAL CONFERENCE: PROBLEMS AND SCIENTIFIC SOLUTIONS 85-94
11. Ikromova F (2022): Mutal Burkhanov has Been in the World of Uzbek Music Place, Eurasian Journal of Humanities and Social Sciences Volume 10| July, 2022 ISSN: 2795-7683 , 12-14
12. Achildiyeva M, Ikromova F (2021) ABOUT MAHMUDJON TOJIBOYEVS PEDAGOGICAL ACTIVITY GALAXY INTERNATIONAL INTERDISCIPLINARY RESEARCH JOURNAL (GIIRJ) 9(5) 240-244